



Ishonch

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАХРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА УЙИНИЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қўлланма ишлар ва яратилган қўлай шарт-шароитлар натижасида спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилганлиги, айниқса, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия уйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришганлиги ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шувратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганлиги, юртимизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун куйидагилар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Амилова Фотимахон Равшанбек кизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Қаюмова Нозимахон Номонжоновна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Мусаббеков Фирдавбек Улғабек ўғли — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Намозов Шерзод Насимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Нигматов Уткиржон Исмаилов ўғли — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Норбеков Хусниддин Қиличбоевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Свечников Александр Владимирович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тулендибаев Адилжан Ришатович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Абдуллаев Нодирбек Баходиржанович — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Абдухоликов Сардор Абдухоликович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Амилов Равшанбек Кабилджанович — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Сандов Расул Рузиевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Свечникова Елена Юрьевна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Тураев Шухрат Жўраевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи
Халиков Илхом Нуриллаевич — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Шишков Игорь Геннадьевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Алимова Хайитжон Абдулла кизи — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Бурханова Сафия Каимовна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Одилова Муслима Улғабек кизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Паньков Кирилл Дмитриевич — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Усманов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси президенти
«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Амилов Рустамжон — Сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи
Ахматджанов Умид Махаматджанович —

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 22 сентябр

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонуңчилик палатаси томонидан 2016 йил 10 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 25 августда маъқулланган

да; 2002 йил, № 1, 20-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Тошкент шаҳри,
2016 йил 22 сентябр
№ УРҚ-410

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қучга қиради.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ифтихор



ПАРАЛИМПИА УЙИНИЛАРИ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг 7-18 сентябр кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия уйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 19 сентябрдаги фармойишига мувофиқ Паралимпия уйинларининг голиб ва совриндорлари пул мукофотлари ҳамда барча қатнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган «Malibu» маркали енгил автомобил билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуврати» музейида 22 сентябр кунини спортчиларимизни тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

✎(6).



Сайлов — 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА




Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 241-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2016 йилги Президент сайловида иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг тақдим этилган аризалари ва бошқа ҳужжатларини қўриб


чиқиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

✎(2).



«Ёшлар ижод саройи»да

>> 2



Бурч ва масъулият

>> 6

БУГУННИНГ НАФАСИ

Кўрик-танлов

Маҳорат синови

Ҳар бир соҳада билимдон ва маҳоратли мутахассислар фаолият кўрсатади. Касаба уюшмаларининг куйи ташкилотларида бўлиб ўтаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танлови шундай истеъодларни юзага чиқаришга хизмат қилапти.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда ҳам мазкур танлов юксак даражада ташкил этилди. Жумладан, танловнинг Самарқанд шаҳар кенгаши голиблиги учун бўлиб ўтган беллашувда юзлаб ташкилот вакиллари иштирок этди. Қатнашчиларнинг юксак интеллектуал салоҳиятга эгаллиги ва ўз соҳасини пухта билишига алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судяси Шухрат Шаропов ўз касбининг устаси сифатида эътироф этилди.

Жомбой, Нарпай, Иштихон, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳри босқичларида ҳам ўз зукколиги, ишдаги юқори кўрсаткичлари билан танилган мутахассислар вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,
давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси

Мехнаткашларнинг ўз касбига бўлган фидойилигини таъминлаш, ижодкорлик қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда рағбатлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзгеобурғунфтгаз» акциядорлик компаниясида ҳам «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ташкил этилди. Унда компания тизимидаги масъулияти чекланган ва акциядорлик жамиятларида узок йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган ўз касбининг усталари аниқлашиб, эсдалик совгалари билан тақдирланди.

«Минорақуриш экспедицияси» АЖ пайвандчиси Бахтиёр Ёдгоров, «Ўзпартаминот» АЖ юкловчиси Фахриддин Азизов, «ОлотНГҚ» МЧЖ пармаловчиси Собиржон Бахромов, «Ўзпарқурилиш» АЖ сувоқчи-бўёқчиси Хусниддин Қодиров ва бошқалар шундай эътирофга сазовор бўлишди.

Суннатулла БҮРИЕВ,
«Ўзгеобурғунфтгаз»
АК бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Қайд этиш жоиз, шаҳар кенгаши тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлиб ўтган танловларда 35 нафардан зиёд касб эгалари иштирок этди. Ҳақамлар қарорига кўра Қувасой шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ободонлаштириш объектларини сақлаш бўлими назоратчиси Мўминахон Марупова, «Daewoo Textile Fergana» МЧЖ Тошлоқ фабрикаси йигирув дастгоҳи оператори Саидохон Одилова ҳамда Қува туман ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи Шавкат Ҳасанов кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ўз-Корам Ко» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган танловнинг набздаги босқичида ишлаб чиқариш цехи менежери вазифасида ишлаб келаётган Сухватилло Жўрахонов голиб деб топилди, республика босқичига йўлланма олди.

— Инсон учун меҳнати самарасини кўришдан ортиқ қувонч бўлмас керак, — дейди Сухватилло Жўрахонов. — Шу маънода «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловида қатнашиб, муносиб рағбатга сазовор бўлганимдан бахтиёрман. 10 йилдан буён ушбу корхонада ишлаб, оилам фаровонлиги ва юртимиз тараққийига ҳисса қўишига ҳаракат қилмоқдаман. Мазкур танлов биз учун тажриба алмашиш мактаби бўлди, десам адашмайман. Чунки, ҳамкасбларимиз фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашиш, билмаганимизни ўргандик.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят бирлашган кўмитасида ҳам танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.

Танлов якунига кўра, Уйчи sanoat, транспорт ва алоқа касб-хўнара коллежи директори Аҳмаджон Раҳматов соҳада кўп йилдан буён меҳнат қилиб келаётган тажрибали мутахассис сифатида 1-уринга лойиқ деб топилди. Унинг ҳужжатлари вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига тақдим этилди.

Феруза ЭРМАТОВА

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Натижаларга кўра, Бухоро енгил sanoat ва педагогика касб-хўнара коллежининг физика фани ўқитувчиси Ойгул Халлоқуллова, «Daewoo Textile Bukhara» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона ип-йигирув цехи бригадаси бошлиғи Шоҳида Эсонова, Дамхўжа минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш давлат корхонаси ходимлари бўлими бошлиғи Шоира Раҳматова ҳамда Вобкент туманидан АТХК «Сарилул» ХЖ автосозловчиси Ражаббой Асадов кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Азизжон ШАМСИЕВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

Ўз билим ва тажрибаси, истеъод ва маҳоратини маърифат йўлига бахшида этган кишилар ҳамisha эъзозу эҳтиромга муносибдир. Мингбулоқ туманидаги Меҳнатобод кишлоғида яшаётган Ҳамидулло Нурматов ҳам умрини болалар камалига бағишлаган заҳматкаш педагоглардан.

Борлиғи болаларга бахшида

У Наманган педагогика институти (ҳозирги НамДУ)нинг ўзбек тили ва адабиёти факултетини имтиёзли диплом билан битириб, қишлоқ мактабига ишга келди. Илмий бўлим мудири Мирзасоли Абдуҳолиқов ёш мутахассиснинг дипломи ва баҳолар варақасига кўз югуртираркан, «чакки эмас» деб кўйди. Директор Маҳмуджон Йўлибоев эса «Тилчига энди ёлғизимиз-да», дея йигитнинг елкасига қоқиб кўйди.

Лекин ўқш бошқа, иш бошқа экан. Аввалига анча қийналди. Яхшики, Абдурахмон Утанов, Умарали Босаралиев, Каримжон Маматов, Долихон Мамарасулов сингари тажрибали ўқитувчилар уни ёлғизлатиб қўйишмади. Йўл-йўриқ, маслаҳатлар беришди. Ёш ўқитувчининг дарсларида бўлиб, ютук ва камчиликларини кўрсатишди, қимматли ўғитларини аяшмади.

Тинимсиз изланиш, устозларнинг панд-насихатлари зое кетмади. Фаол, ташкилотчи ва ташаббускор йигит ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олди. Ўқувчилар, айниқса, иқтидорли болалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратди. Фан тўрағаги фаолиятини тубдан аяшлади. «Нихол», «Ёш каламкаш» сингари деворий газеталар мактаб кўрига айланди. Мушоира, баҳс-мунозара, «Навоийхонлик», «Бобурхонлик», «Назм ва наво» каби адабий-бадиий, маънавий тадбирлар юксак савияда ташкил этилди.

Она тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларнинг ўзлаштириши кескин ошди. Фан олимпиадаларида голибликка эришувчи ўқувчилар, олийгоҳларнинг филология факултетига ўқишга қувватлар кўпайди. Ижобат Тожибоева, Сабоҳон Тўхтаева, Гулбаҳор Маманова олийгоҳда тахсил олиб, устозлар билан ёнма-ён ишлашга муваффақ бўлган дастлабки шогирдлариди. Кейин Мақсуда Абдуллаева, Дилфуза Турғунова, Мирпўлат Абдуҳолиқов устознинг изидан боришди. Кўплаб

шогирдлари бугунги кунда мактабларда она тили ва адабиётдан ёш авлодга сабоқ беришга устозга бир олам мамнуният бағишлайди.

Ҳамидулло Нурматов умр йўлдоши Маҳбуба опа билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, элга қўшди. Гулҳеҳра, Гулбаҳор, Юлдузхон, Раҳбаройлар ота касбини шарафлаб келмоқда. Уктамон тиббиёт тизимида, Норможон эса тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаяпти.

Заҳматкаш педагогнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси» бўлди. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.


35 йил узлуксиз фаолият юритган, ўқитувчиликдан илмий бўлим мудири, директор ўринбосари, директор вазифасида ишлаб, минглаб шогирдларга сабоқ бериб, мустақил ҳаётга йўллаган Ҳамидулло Нурматов таваллудининг 65 йиллиги кенг нишонланди.

— Заҳматкаш, жонқуяр муаллим пенсияга чиққан бўлса-да, туман таълим тизимида ҳамон фаол, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ туман кенгаши раиси Абдурашид Якубов. — Мактабдан қадами узилган эмас. Ёш педагогларга ўғитларини беришдан чарчамайди.

Бутун борлиғини элнинг болаларига бахшида этган устоз бугун 15 нафар набирасига ҳаёт сабоғини бераётир. Рамзийликни қарангки, у олийгоҳни битириб илк бор синфга кирганида партада 15 нафар ўқувчи ўтирганди. Ана шу ҳаяжонли дамларни хотирларкан, кекса муаллим истиқлол туфайли таълим тизимида рўй берган оламшумул ўзгаришларни фахр билан тилга олади.

Қосимжон АКБАРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ туман кенгашининг раёсат аъзоси

Кўргазма



«Ёшлар ижод саройи»да

Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИХ, Олий ва ўрта махсус касб-хўнара таълими, Меҳнат вазириликнинг ҳамда «Екросоптаст» МЧЖ билан ҳамкорликда «Ёшлар ижод саройи»да ХВ халқаро «Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси очилди.

— Бугунги кўргазмага ёшларнинг тадбиркорлиги ва бандлиги бўйича ҳамда бепул ташкил этилган инглиз тили дарсларига тақдирлар билан келдик, — дейди «Камолот» ЁИХ вакили Бахтиёр Мамадалиев. Мамлакатимизда ҳамда дунё-

даги етакчи олий таълим муассасаларида мавжуд бўлган касб ва мутахассислик йўналишлари билан ёшларни таништириш, касб танишга кўмаклашиш, бўш иш ўринлари ҳақида ёшларга маълумотлар бериш бош мақсад бўлиб, бугунги кун-

да ўтказилган «Таълим ва мутахассислик» халқаро кўргазмасига ташриф буюрувчилар қарийб 200 минг нафарни ташкил этмоқда.

Замонавий таълим вақт ва масофа билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этишга интилоқда. Жумладан, Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент атомобил-йўл институти, Тошкентда Сингапур менежментини ривожлантириш институти ҳамда кўплаб шу каби олий таълим муассасалари қаторида Малайзия, Латвия, Польша, Буюк Британия, Япония сингари давлатларнинг хорижий таълим даргоҳлари ҳам мазкур кўргазмада фаол иштирок этмоқда.

— Кўргазма мен орзу қилаётган олийгоҳ — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан билан яқиндан танишишимга ёрддам берди. Келажакда ушбу университетнинг таржима назарияси ва амалиёти факултетига ўқишга топширмоқчиман, — дейди Юнусобод машинсозлик коллежининг 3-босқич талабаси Наргиза Абдумалиқова.

Шунингдек, кўргазмада Тошкент шаҳридаги бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳамда республикамизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлар, йирик компанияларда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Кумуш ҲАМРОЕВА

Бошланғич ташкилотларда

Касаба уюшмасининг асоси

«Фарҳод ГЭС» унитар корхонаси раҳбари Худойберди Эргашев ҳамроҳлигида мураккаб ускуналарнинг ишлаш тартиби, электр энергия ишлаб чиқариш механизми ҳақида муайян тушунчаларга эга бўлдик.

Корхонада шаҳардаги Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хўнара коллежи ўқувчилари амалиёт ўташи аънага тусини олган бўлиб, жорий йилда 105 нафар ўқувчи бириктирилган ишлаб чиқариш усталари кўмағида амалиёт сабоқларини олишга эришди. Мухими, ишлаш истагини билдирган талабалар кучоқ очиб кутиб олинди.

— Жамоа муносабатлари ўзаро самимийлик асосида қурилган. Шу боисдан ҳам иш ўрганиб, ишлаб кетишим осон кечган, — дейди Бобур Мамадалиев. — Яқинда Ёшлар кенгаши раислигига сайландим. Корхонада касаба уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз боис фаолиятимизда қийинчилик сезилмаяпти.

Корхона ҳудудида мўъжазгина спорт майдончаси бўлиб, ишчилар дам олиш вақтида сира зерикмайди, стол тенниси, волейбол мусобақалари ташкил этишади.

— Айниқса, бу йил спорт учрашувларига катта эътибор қаратилди, — дейди бошланғич касаба уюшма раиси Барчиной Умарова. — Соғлом она ва бола йили муносабати билан оилавий жамоалар, аёллар ўртасида турли беллашувлар ўтказилиб, фаоллар рағбатлантирилди.

Жамоа шартномасида акс этган имтиёзлар талайгина. Жумладан, байрам ва дам олиш кунлари ишлаб чиқариш зарурияти билан ишга чиққан ходимлар рағбатлантирилмоқда. Ёшларга биринчи

турмуш қуриш, фарзандларининг тўйи, фарзанд туғилиши, яқин қариндошларининг вафоти муносабати билан ҳақ тўланадиган дам олиш кунлари берилмоқда. 1-2 гуруҳ ногиронларига жамоа шартномасида келишилган имтиёзлар меҳнат таътилига қўшиб берилмоқда. Ёш фарзанди бор аёлларга ҳам кўплаб имтиёзлар кўзда тутилган.

Бу йил ходимларнинг 4 нафари «Нуррафшон» санаторийсида, 1 нафари «Ботаника» сихатгоҳида дам олди, тизимга қарашли даволаш профилакторийида 8 нафар ходим саломатлигини тиклади. Фарзандлари учун оромгоҳ йўлланмаси сўраган 6 нафар ходим мурожаати ижобий ҳал этилди.

Нурчилар жамоасида юртимизнинг турли диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштириш яхши аънағана айланган бўлиб, кўна Хоразм шаҳрига саёхатга ходимлар, шунингдек, 12 нафар она ва уларнинг фарзандлари тақдир этилиб, кўнгил-дам олишлари учун барча шароит яратиб берилди. Ташриф давомида аъзолар фаоллиги ва касаба уюшма раиси фидойилигидан шундай хулосага келдик: самимий ва ошқора муносабатлар бошланғич ташкилот бўриси ва кучини оширади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

№(1).

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини берди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Комиссия аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг боришига бағишланган брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловга тайёргарлик ишлари қонунчилик талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастури асосида изчил олиб борилаётганини қайд этди.

Сайлов кампанияси қизгин паллага кириб бормоқда, сайловда иштирок этувчи партиялар аниқланди, уларга имзо варақалари бланкалари берилди. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловда тадбирларида тўплашга ҳақли.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонунга 2015 йил 29 декабрда киритилган ўзгаришларга мувофиқ сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилар умумий сонининг 5 фоизидан 1 фоизгача камайтирилди. Бу 214 минг 350 нафар сайловчи имзосини ташкил этади.

Бу имзолар камиди сақизта маъмурий-худудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларни қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан сақиз фоизи ни тўлаши мумкин.

Анжуманда журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тузилганлиги ҳақида хабардор қилинди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 56,6 фоизи аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, жамиятимизнинг обрўли вакилларидир. Комиссия аъзоларининг 56 нафари, яъни 36,8 фоизи хотин-қизлардир, уларнинг 12 нафари эса сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган.

Бутун сайлов кампанияси ошқоралик ва очиклик тамойиллари асосида олиб борилмақда. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон», «Uzreport» ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди.

Республика матбуот маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг қарийб 400 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби нуфузли халқаро тузилмаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қузатувчи сифатида иштирок этиш учун тақлифномалар юборилгани маълум қилинди.

Б.БОЗОРОВ,
Ўза мухбири

Матбуот анжумани

Тийрак нигоҳ билан

Мамлакатимизнинг географик-геологик жойлашуви ва иқлимга кўра айрим ҳудудларда баҳор ва ёз ойларида сув тошқинлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисаларининг юзага келиши табиийдир. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга оширилаётган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, профилактикасини ташкил этиш билан боғлиқ ишларни турли талафат ва кўнгилсиз оқибатлардан сақлашга хизмат қилмоқда. Вазирлик томонидан Фўқаролик муҳофазаси институтида уюштирилган матбуот анжуманида ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар хусусида атрофича тўхталиб ўтилди.

Хусусан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Давлат геология кўмитасининг Хавфли геологик жараёнларни қузатиш давлат хизмати ва «Узгидромет» маркази, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг бандан тоғли ҳудудларидаги қор қатламлари ва сел оқимлари хавфи мавжуд жойларни ўрганиш бўйича 7 марттаба аэровизуал қузатув ишлари олиб борилди. Гидрометеорологик ва геологик хавфли жараёнлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар бирма-бир ўрганиб чиқилди.

Баҳор мавсуми бошланиши билан Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги хавфли ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятининг барча туманларига вазирлик ходимлари бириктирилиб, мавжуд хавфли участкалар ўрганиб чиқилди. Профилактик ва химоя чора-тадбирлари ташкил-лаштирилди.

Анжуманда соҳада амалга оширилаётган яна кўплаб ишлар хусусида маълумотлар берилди. Журналистлар ўзларини қизиктирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Юлдуз ҲАЙДАРОВА

дирда зарарнинг ўрнини қоплаш учун аввалги иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб чиқарилади.

34-модда. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда қоплаш

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳуқуқий вориси зиммасида бўлади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар ҳам унга тақдим этилади.

Ходимнинг меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қайта ташкил этилган юридик шахснинг маблағлари мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда тегишли суммалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан тўланади. Мазкур суммалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам давлат томонидан тўланади.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда тегишли тўловлар уларни жабрланувчига тўлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплаштирилиши керак.

Тугатилган юридик шахснинг мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги сабабли тўловларни қоплаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда тегишли суммалар жабрланувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан тўланади.

35-модда. Нисоларни ҳал этиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги нисолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 23 сентябр сонидан олинди).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида (янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун: корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) билан, шунингдек алоҳида ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларга; ишлаб чиқариш амалиётига ўтаётган олий таълим муассасалари талабаларига, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларига, бошқа таълим муассасалари тингловчиларига; ташкилотларда ишлаш учун жалб этиладиган ҳарбий хизматчиларга; муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

6-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида мувофиқ айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси: меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади; давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

меҳнат шaroитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш тартибини белгилайди; меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш жағмармаларини тузиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат вазирлиги меҳнатни

Меҳнат шaroитлари бўйича давлат экспертлари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Меҳнат шaroитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, худудий дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиши, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этуви давлат органларига ва бошқа органларга қўмақлашиши, шунингдек қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

31-модда. Касаба уюшмаларининг, ходимлар бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакиллик, шунингдек ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳўйма қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташкilotларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шaroитлари ва муҳофаза тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш; ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузиллигининг бартараф этиш тўғрисида иш берувчига тақлифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳўлатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги: ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга қираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқларини ўтказиш тартибини белгилайди;

ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тизгилиги кўрсаткичлари бўйича санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди; меҳнат шaroитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бериладиган сутни (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини), даволаш-профилактика озиқ-овқатини, газланган тузли сувни (иссиқ ҳўларда ишловчилар учун) бериш нормативларини белгилайди;

ходимни енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан истисно этадиган ишга ўтказиш учун тиббий ва бошқа кўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлайди;

ходим касб касаллигига чалинган деб гумон қилинганда унинг меҳнат шaroитларининг санитария-гигиена таъсифини тузишга доир талабларни белгилайди;

касб касалликларини аниқлаш ва ходимларнинг касбга оид меҳнат ҳўбиланганини йўқотганлиги даражасини аниқлаш учун йўлнамалар бериш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тармоқ мақсади ва махсус дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

таъминдаги ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

таъминдаги ташкilotларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказиш

га оширилади. Меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат ва текширув вазибаларини бажариш учун зарур бўлган ҳўжатларни, тушуниришларини, ахборотни ташкilotларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан сўраш ва олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни махсус текширишлардан ўтказиш ёки текширишда иштирок этиш; ташкilotларнинг раҳбарлигига ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузиллигини бартараф қилиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни тақдим этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган шахсий ҳўйма воситаларидан ҳамда жамоавий ҳўйма воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ҳамда ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ташкilotларнинг фаолиятини ёки асбоб-ускуналардан фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхта-ти қилиш;

қурилиши, реконструкцияси тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида иштирок этиш ва улар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда тегишли ҳўлослар бериш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иш юритиш.

Меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширув қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкilotнинг муқтақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкilot раҳбарига бўйсунadi.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига барча ходимлар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлигига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганликда шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкilot раҳбарига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазибалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатуви юридик шахслар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларидир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари:

ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазибаларини амалга ошириш;

иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестациясини ўтказиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ташкilotда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизимини аудитини ўтказиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига ва улар томонидан хизматлар бажарилишига доир талаблар, шунингдек уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси

Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестация-

мий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларнинг, ногиронларнинг, шунингдек бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга қираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриқлардан ўтказилишини ташкил этиши шарт.

Тиббий кўриқлар ташкilotларга тиббий хизматлар кўрсатуви даволаш-профилактика муассасалари томонидан, бундан ўқимасалар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ташкilot жойлашган ердаги худудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Қонун ҳужжатларида мувофиқ мажбурий тиббий кўриқлардан ўтиш лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам тиббий кўриқларни ўтказиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар қичқирдор бўлишлари.

Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлаган ёки улар ўтказилган текширувлар натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган таъсияларни бажармаган тақдирда иш берувчи уларни ишга қўймайликка ҳақли.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳўлати меҳнат шaroитлари билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у набатдан ташқари тиббий кўриқ ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўриқларни ўтказиш ҳақида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш вақти сақланади.

25-модда. Ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва уларни ўқитиш

Иш берувчи барча янги ишга қираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этиши шарт.

Хавфлилик юқори бўлган ишлаб чиқаришга ишга қираётган ёки касбий танлов талаб этиладиган ишга қираётган ходимлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларига дастлабки тарзда тайёрлаш, касб бўйича имтиҳонлар топириган ҳолда бир ой мобайнида стажировка ва сўнгра меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича дав-

чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш чоғида меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни таъминлаш

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланишга, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашга, технологияларини жорий этишга, шу жумладан ҳоридан олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Йўл қўйилган энг юқори нормативлари (концентрациялари) белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаган ва тегишли экспертизалардан ўтказилмаган зарарли моддаларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши тақиқланади.

20-модда. Ташкilotларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш

Ташкilotлар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётларини, плакатларини, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳўсбидан ҳўсил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкilotлари фойдасининг жамоавий ҳўйма воситалари ва шахсий ҳўйма воситаларининг, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, мавжуд воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳўсбидан олинган қисмига қонун ҳужжатларида мувофиқ имтиёзли солиқ солиш белгиланиши мумкин.

21-модда. Ишга қабул қилишда ва бошқа ишга ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари

Меҳнат шартномасининг шартлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, шунингдек жамоа келишувлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бошқа ички норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Фуқароларни соғлиғининг ҳўлатига кўра ўзига тўғра келмайдиган ишга қабул қилиш ва ходимларни бошқа шундай ишга ўтказиш тақиқланади.

Фуқароларни соғлиги ва ҳаётига юқори даражада хавф туғдириши мумкинлиги олдидан аён бўлган ишга қабул

қилиш ҳамда ходимларни бошқа шундай ишга ўтказиш чоғида иш берувчи уларни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Соғлиғининг ҳўлатига кўра енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан истисно этадиган ишга ўтказишга мўтож ходимларни иш берувчи ама шундай ишга уларнинг розилиги билан, тиббий ҳўлосга мувофиқ вақтинча ёки муддатнинг чекламай ўтказиши шарт.

Соғлиғининг ҳўлатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан истисно этадиган кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказишда ходимларнинг аввалги ўртача ойлик иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган тартибда ва муддатларда сақланиб қолади.

22-модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мос бўлган иш ўрнига эга бўлиш;

иш берувчидан меҳнат шaroитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзини берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳўйма воситалари ва жамоавий ҳўйма воситалари ҳақида ахборот олиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид белгиланган нормалар ва талабларга мувофиқ иш берувчининг маблағлари ҳисобидан шахсий ҳўйма воситалари билан таъминланиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий иктымолй сўзурта қилиниш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар белгиланганлиги оқибатида ўз ҳаёти ва соғлиғини учун хавф юзага келган тақдирда, агар шундай ҳўлатлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширувчи органлар томонидан тасдиқланса, ишларни бажаришни бундай хавф бартараф этилувнига қадар рад этиш;

ўз иш ўрнидаги меҳнат шaroитлари ҳамда муҳофазаси меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи орган томонидан текширишдан ўтказилиши учун сўронома бериш;

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

№(1).

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизнинг нуфузли мусобақаларда муносиб катнашиши, иқтидор ва салоҳиятини намоян қилиши, Ватанимиз обрўсининг халқаро майдонларда янада юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида яна бир қарра ўз исботини топди. Спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақада улкан ғалабаларга эришиб, Ўзбекистон ёшлари матонат ва жасорат бобида ҳеч қачон кам бўлмаганини намоян қилди.

— Паралимпия ўйинларида ғалаба қозониши ўз олдидига мақсад қилиб, бу йўлда тинимсиз ҳаракат қилдим, — дейди Одилжон Тўлендибоев. — Ниятга етганимдан, нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтариш насиб қилганидан жуда бахтиёрман. Халқаро майдондаги бундай юксак ғалабаларимиз мамлакатимизда биз, ёшларнинг бахтли ҳаёт кеңиришимиз, таълим-тарбия олишимиз, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни намоян этишимиз учун яратилган кенг имкониятлар туйғайди.

— Биз, спортчиларга юксак ишонч билдиргани ва катта-роҳнаомлигини юқори баҳолагани учун халқимизга, давлатимизга миннатдорлик билдираман, — дейди Нозимахон Қаюмова. — Бу янада олға ин-



У.А. Суратлари

тилишимиз учун катта туртки бўлади.

— Ғалабамиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янраганидан фахрланамиз, — дейди Фирдавсбек Мусабоев. — Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз, озод ва обод, гўзал ва бетакорор юртимизни ҳар қанча шарафласак ҳам. Келгусидаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2020 йили Токиода ўтадиган XVI Паралимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга ваъда берамиз.

Фармоийшга мувофиқ, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун спортчиларимиз бирийла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
У.А. муҳбири



ВАТАНИ ШАРАФЛАШ САОДАТИ

№(1).

Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 22 сентябрдаги фармонида мувофиқ, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар ва яратилган қўлай шарт-шароитлар натижасида спортчиларимиз томонидан улкан ютуқлар қўлга киритилганлиги, айниқса, Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришганлиги ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганилиги, юртимизда спортни кенг омаллаштириш, ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Х.Норбеков, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳиби С.Бурхонова, сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Жасорат» медали соҳиби Ш.Тошпўлатова, энгил атлети-

ка бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони соҳиби С.Абдухолиқов давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Паралимпия ўйинларида қўлга киритган медалларимизни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг хотирасига бағишлаймиз, — дейди Хусниддин Норбеков. — Биз, спортчилар Рио-де-Жанейро майдонларида Ўзбекистон ёшлари ҳеч қачон кам бўлмаганини ва дунёнинг энг кучли давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳамда Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшганилиги, юртимизда спортни кенг омаллаштириш, ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларидаги катта хизматлари учун спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан энгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Х.Норбеков, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони соҳиби С.Бурхонова, сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, «Жасорат» медали соҳиби Ш.Тошпўлатова, энгил атлети-

Байрам АЙТМУРОВОВ,
У.А. муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси «REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Vuxoro filiali mulkning boshlangich narxi bosqichma-bosqich oshib borish tartibida utkaziladigan ochiq aukцион sавдоларига таклиф этади!

2016 йил 25 октябр куни соат 11:00 да Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Гиждувон тумани «Гиждувон кумуш тола» масъулияти чекланган жамиятининг 20.09.2016 йилдаги 11-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидagi умумий ер майдони 14 000,0 кв.метр, қурилиш майдони 3726,2 кв.метрдан иборат бўлган кўчмас мулк бино ва иншоотлари биргаликда мужассам яхлит ҳолда кўйилмоқда.

Бошланғич нархи: 268 777 362 (Икки юз олтинми саккиз миллион етти юз етти миң эки миң юз олтинми икки) сўм.

Манзили: Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, «Улфат-биби» Қ.Ф.Й., Фишти қишлоғи.

Талабгорлар диққати!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртма-номалар расмий иш кўнлари (байрам ва дам олиш кўнларидан ташқари) 24.10.2016 йилга қадар соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача туш-лик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи микдоридagi зақалат пулининг тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 20 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурийлиги юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Зақалат тўлови учун реқвизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Vuxoro filiali, x/р: 20208000500234536002, АТБ Қишлоқ қурилиш банк БВМФ, МФО: 00115, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 96410.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки объект билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MCHJ Vuxoro filiali.

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия: RR-0170.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.g.group@inbox.ru, тел: (0-365) 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.

Долзарб мавзу

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», деб белгилаб қўйилган. Зотан, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг қиёфасини ўзгартириш ва ободонлаштириш, асосийси, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини қучайтиришга сарфланади.

Бурч ва масъулият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2016 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига ўзгариш киритилган.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган умумий майдони 200 кв. метргача бўлган тураржойлар, квартиралар, дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар мол-мулкнинг инвентаризация қийматига икки баравари миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Солиқ кодексининг 276-моддасига асосан жисмоний шахслар томонидан солиқ соғим майдони 200 кв. метр дан ошқ бўлган тураржой ва квартиралар учун эса 2,5 фоиз микдорда белгиланган.

Шунингдек, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв. метр дан ошқ бўлган тураржой ва квартиралар учун 1,8 фоиз микдорда белгиланган.

катлатли органлар томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаганда, солиқ қиймати учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20 328 миң сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 8 833 миң сўм микдорда мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг инвентаризация қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади.

Кўчмас мол-мулкка ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган тураржойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилиши белгиланган.

Солиқ кодексининг 276-моддасига асосан жисмоний шахслар томонидан солиқ соғим майдони 200 кв. метр дан ошқ бўлган тураржой ва квартиралар учун 1,8 фоиз микдорда белгиланган.

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича ва-

жисмоний шахслар томонидан тураржой фонди объекти-лари нотураж жой фонд тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотураж жой фонди объектилари мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белги-ланган ставка бўйича тўланади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 291-моддасига асосан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, яқна тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жой-лар юридик шахсга ёки яқна тартибдаги тадбиркорга ижара берилганда, шунингдек, жисмоний шахсларнинг мулк-ида бўлган, яшаш учун

мўлжалланмаган жойлар эгаллаган ер участкалари учун жисмоний шахслардан ер солиғи юридик шахслардан олинмаган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг 120-моддасига асосан белгиланган муддатдан кечиктириб тўланган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз микдорда пеня ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғини мунтазам равишда тўламай келаётган фуқароларнинг бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эғалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Бир сўз билан айтганда, мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш жисмоний шахсларнинг қонуний бурчи бўлиб, ундан бўйин товлашга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, бундан тушадиган маблағлар маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, аҳоли манфаатларини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини унутмайлик.

А.АБДУНАЗАРОВ,
Миробод туман давлат солиқ инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари

Санъат фестивали

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароит яратилган. Ҳар бир бола ўзи қизиққан йўналишда маҳоратини ошириш имконига эга. Бу борада қасаба уюшмалари ҳам хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

«ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ» ИСТЕЪДОДЛАРИНИ КАШФ ЭТМОҚДА

«Истиқлол ғунчалари» санъат фестивали ана шундай эзгу ишларнинг бир қисми ҳисобланади. Ушбу фестивалдан кўзланган асосий мақсад ёш авлод қалбиди санъатга ошнолик туйғусини шакллантириш, бу орқали уларда Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, халқимизнинг бой маданий меросига эътиборни қучайтириш, шунингдек, меҳнатқашлар фарзандлари орасидан иқтидорларни аниқлаб, рағбатлантиришдан иборат. Санъат фестивали юртимизнинг турли ҳудудларидagi қорхона, ташкилот ва муассасалар қошидаги маданий макталлари ҳамда маданият ва аҳоли дам олиш марказларида ташкил этилган болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокчилари ўртасида 3 босқичда ўтказилди. Ёш истеъдод соҳиблари аънаваний ижрочилик, эстрада қўшиқчилиги, яқна ва ансамбл чолғу ижрочилиги, яқна рақс ижрочилиги, жамоа рақси ижрочилиги йўналишлари бўйича иқтидорларни намоян этади. Таъкидлаш зарурки, фестивалнинг куйи босқичи ҳар бир ҳудуддан истеъдодли болаларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам фестивалнинг туман босқичлари кўтаринки руҳда ташкил этилаётир. Жумладан, Ургут тумани босқичида барча умумтаълим ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари тингловчилари ўз истеъдодини намойиш этишди.

«Мирзақишлоқ» маданият ва аҳоли дам олиш маркази рақс тўғраги қатнашчиси Нигора Эшонқулова б-синфда таҳсил олади. Ўқшдан бўш вақтини қишлоқдаги замонавий маданият гўшасида ўтказди. Устози, тўғарак раҳбари Камола Жумановадан мутоз рақс санъати сирларини кунт билан ўрқанади. Ҳаракат, қилинган меҳнат бесама қетмади. Ҳақамлар ҳайати ёш ҳаваскор раққоса санъатини юқори баҳолаб, уни фестивалнинг мулка голиби деб эътироф этди. Кейинги ўринга Ургут туман 1-маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳаваскор хонандаси Лазиз Шамсидинов мақом йўналишидаги ашуласи учун сазовор бўлди. Аънаваний ижрочиликда маҳоратини намойиш этган мирзақишлоқлик яна бир истеъдод соҳиби Амин Нормухаммедов, найни сайратган Азиза Зиёдуллаева учинчи ўринни эгаллади.

— Ҳар бир қатнашчининг ноёб иқтидор эгаси сифатида шаклланаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси туман кенгаши раиси Мадина Баратова. — Голибларни саралаб олиш осон бўлмади. Ёш санъатсеварларнинг кўнглини кўтариб, илҳомлантириш чора-тадбирлари қўрилди.

Санъат байрамида ижро этилган куй-қўшиқларни тинглаб, истиқлол ғунчалари юз очаётганига ишончимиз ортди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамоаси Тошкент вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шавкат Собировга отаси

Матрасул СОБИРОВнинг вафоти муносабати билан таззия билдиради.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича собиқ бош мутахассиси

Рустам ШОКАРИМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таззия билдиради.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Haqiq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

*Ishonchdan olingan ma'lumotlarda maraba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan tarqalishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-91) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-67-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arlonov
Musahhh: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqi — 22:50
Topshirildi — 23:20
1 2 3 5 6

«Sherq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 3 bosma tabaq. Buyurtma G — 915. 14282 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133
Tahririyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB: «Ishonch» banki «Ishonch» filiali, Bank kod: 00959, STIR: 20113809, OKONX: 87100